



МУҲАНДИСЛИК КОММУНИКАЦИЯЛАРИ  
ҚУРИЛИШИ ВА МОНТАЖИ (СУВ ТАЪМИНОТИ  
ВА ОҚОВА СУВЛАРНИ ОҚИЗИШ)

Тошкент архитектура-қурилиш  
институтининг ҳузуридаги тармоқ  
маркази

**ЛОЙИҲАЛАШ ВА ҚУРИЛИШДА  
АХБОРОТ  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ  
ҚЎЛЛАШ**

**ТОШКЕНТ-2019**

*Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 2 ноябрдаги 1023-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.*

**Тузувчилар:** ТАҚИ, ф.-м. ф. н., доц. Маткаримов С.Ю.

**Тақризчи:** т.ф.д.,проф.Е.В.Щипачёва

*Ўқув -услубий мажмуа Тошкент архитектура қурилиш институти Кенгашининг 2019 йил 4 сентябрдаги 1-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.*

## МУНДАРИЖА

<b>I. ИШЧИ ДАСТУР .....</b>	<b>4</b>
<b>II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ .....</b>	<b>12</b>
<b>III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР .....</b>	<b>19</b>
<b>IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАР .....</b>	<b>31</b>
<b>V. КЕЙСЛАР БАНКИ .....</b>	<b>57</b>
<b>VI. ГЛОССАРИЙ.....</b>	<b>63</b>
<b>VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....</b>	<b>65</b>

# **I. ИШЧИ ДАСТУР**

## **Кириш**

Ишчи дастур олий ва ўрта махсус таълим муассасалари педагог кадрларнинг касбий тайёргарлиги даражасини ривожлантириш, уларнинг илғор педагогик тажрибаларни ўрганишлари ҳамда замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш бўйича малака ва кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Ишчи дастур мазмунида хориж таълим тажрибаси, ривожланган давлатларда таълим тизими ва унинг ўзига хос жиҳатлари ёритиб берилган.

Ишчи дастур мазмуни олий таълимнинг махсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, компьютер дастурлари асосида ҳисоблаш технологияси усулларини ўзлаштириш бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутди.

Ишчи дастур доирасида берилган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, бу орқали олий таълим муассасалари педагог кадрларининг соҳага оид замонавий таълим ва инновация технологиялари, илғор хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига кенг татбиқ этиш, қурилиш конструкцияларини замонавий педагогик технологиялар асосида ҳисоблаш ва лойиҳалаш технологияларини амалиётга жорий этиш билан боғлиқ компетенцияларга эга бўлишлари таъминлайди.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиққан ҳолда дастурда тингловчиларнинг махсус фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака

ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Ишчи дастурнинг мазмуни тингловчиларни “**Лойиҳалаш ва қурилишда ахборот технологияларини қўллаш**” модулидаги назарий методологик муаммолар, чет эл тажрибаси ва унинг мазмуни, тузилиши, ўзига хос хусусиятлари, илғор ғоялар ва махсус фанлар доирасидаги билимлар ҳамда долзарб масалаларни ечишнинг замонавий усуллари билан таништиришдан иборат.

### **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

**“Лойиҳалаш ва қурилишда ахборот технологияларини қўллаш” модулининг мақсади:** педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курс тингловчиларини иситиш, сув таъминоти ва канализация тизимларини ҳисоблаш ва уларни лойиҳалашда замонавий усуллардан самарали фойдаланиш ҳақидаги билимларини такомиллаштириш, ушбу тизимларни ҳисоблаш ва уларни лойиҳалашда компьютер дастурларидан фойдаланиш кўникмасига эга бўлиш, шу билан бирга стандарт дастурлардан фойдаланиб махсус масалаларини ечиш кўникма ва малакаларини таркиб топтириш, компьютерда лойиҳалашнинг усуллари, воситалари ва имкониятлари билан таништириш ва билимларини такомиллаштириш.

#### **Модулнинг вазифалари:**

– иситиш тизими ҳисоби, сув таъминоти ҳисоби, совутиш тизими, сувнинг технологик таъминотини лойиҳалаш жараёнини автоматлаштирилган ҳолда бажаришни ўргатиш ва амалга ошириш;

– шамоллатиш тизимларини аэродинамик ҳисобини амалга оширишни автоматлаштириш;

– иссиқлик йўқотилиши ва инфильтрация жараёнларини ҳисоблашни бажаришни ўргатиш ва амалга ошириш;

– муҳандислик коммуникацияларини лойиҳаш жараёнини автоматлаштириш имкониятлари билан таништириш; замонавий компьютер технологияларидан фойдаланиб, лойиҳалаш усулларининг ўзлаштириш ва амалиётга татбиқ этишга ўргатиш.

– кўпинча ишлатиладиган компьютер программалари ва автоматлаштирилган лойиҳалаш тизимлари билан назарий ва амалий таништириш;

– лойиҳаларни компьютер техникаси воситалари билан амалда бажариш, САПР ва компьютер графикасига мўлжалланган янги компьютер техникаси билан таништириш;

– тингловчиларни компьютер дастурларидан фойдаланган ҳолда бакалавриатурада ўқитишда юзага келаётган муаммоларни аниқлаш, таҳлил этиш, ўқитиш технологияси ва малакаларини шакллантириш.

### **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

#### **Тингловчи:**

- таълимни ахборотлаштириш технологияларини;
- иситиш тизими, сув таъминоти, совутиш тизими, сувнинг технологик таъминотини ҳисоблаш ва лойиҳалашда ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш фанларини ўқитишдаги илғор хорижий тажрибаларни;

- муҳандислик коммуникация тизимларини автоматлаштирилган лойиҳалаш услубларини, технологияларини, комплекс дастурларини, автоматлаштирилган лойиҳалаш назариясини, лойиҳалаш технологиялардан самарали фойдаланиш усулларини;

- муҳандислик коммуникация тизимларини автоматлаштирилган лойиҳалашда жой шароитидан келиб чиқиб лойиҳа ечимларини тўғри танлай олишни ва танланган лойиҳа ечимларини баҳолай олишни **билиши** керак.

**Тингловчи:**

- таълим жараёнида компьютер технологияларидан фойдаланиш;
- педагогик фаолиятга инновацияларни татбиқ этишнинг самарали шаклларидан фойдаланиш;
- хорижий тилдаги манбалардан педагогик фаолиятда фойдалана олиш;
- электрон ўқув материалларини яратиш технологияларини билиши ҳамда улардан таълим жараёнида фойдаланиш;
- педагогларда касбий компетентликни такомиллаштириш жараёнида ўз-ўзини ривожлантиришга бўлган онгли эҳтиёжни шакллантириш;
- Ўзбекистон Республикасидаги меъёрий ҳужжатлар тизимидаги ўзгаришларни амалиётга татбиқ эта олиш **кўникмаларига** эга бўлиши лозим.

**Тингловчи:**

- муҳандислик коммуникация тизимларини ҳисоблаш ва лойиҳалашда компьютер технологиялари қўллаш;
- муҳандислик коммуникация тизимларини ҳисоблаш ва лойиҳалашда компьютер технологиялари қўллашни ўқитишнинг дидактик таъминотини яратиш;
- коммуникатив вазифаларни ҳал этиш технологиялари, касбий мулоқот усулларидан фойдаланиш, ҳамкорлик ишларини олиб бориш;
- лойиҳалаш жараёнининг компьютер моделини тузиш ва уларни ечиш;
- мутахассислик масалаларини ечишда ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш;
- коммуникатив вазифаларни ҳал этиш технологиялари, касбий мулоқот усулларидан фойдаланиш, ҳамкорлик ишларини олиб бориш **малакаларига** эга бўлиши зарур.

**Тингловчи:**

- муҳандислик коммуникация тизимларини автоматлаштирилган ҳолда ҳисоблаш ва лойиҳалаш;

- муҳандислик коммуникация тизимларини ҳисоблаш ва лойиҳалашда ахборот коммуникация технологияларини қўллаш;
- муҳандислик коммуникация тизимларини ҳисоблаш ва лойиҳалашда ишлатиладиган дастурий таъминотларни қўллаш **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

**“Лойиҳалаш ва қурилишда ахборот технологияларини қўллаш”** модули назарий ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Модулни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- назарий дарсларда замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан фойдаланган ҳолда ўтказилади;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

Модул мазмуни ўқув режадаги “Иссиқлик таъминоти ва иссиқлик жараёнлари ҳамда газ таъминотида янги технологиялар”, “Энергия тежамкор вентиляция ва ҳавони кондициялаш тизимлари” ва “Муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.



## Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модул олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий тайёргарлиги даражасини ривожлантириш, уларнинг илғор педагогик тажрибаларни ўрганишлари ҳамда замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш бўйича малака ва кўникмаларини такомиллаштиришга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар компьютер дастурларидан фойдаланиб ҳисоблаш ва лойиҳалаш жараёнларини автоматлаштиришга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

### Модул бўйича соатлар тақсимооти:

№	Модул бирлиги номи	Тингловчининг ўқув юкларининг, соат			
		Ҳаммаси	Аудиториядаги ўқув юкларининг		
			Жами	Жумладан:	
			Назарий	Амалий	
1.	Муҳандислик коммуникация тизимларини ҳисоблаш ва лойиҳалашда қўлланиладиган компьютер дастурлар таҳлили	2	2	2	
2.	Бинодаги иссиқлик йўқотилиши ҳисоби	2	2		2
3.	Турар жой биноси иситиш тизимининг гидравлик ҳисоби	2	2		2
<b>Жами:</b>		<b>6</b>	<b>6</b>	<b>2</b>	<b>4</b>

### НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

**1-мавзу: Муҳандислик коммуникация тизимларини ҳисоблаш ва лойиҳалашда қўлланиладиган компьютер дастурлар таҳлили**

Бинолар иситиш тизимларини ҳисоблаш ва лойиҳалашда қўлланиладиган компьютер дастурлар таҳлили. Иситиш тизимлари дастурлари таҳлили.

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

**1-амалий машғулот: Бинодаги иссиқлик йўқотилиши ҳисоби**

**2-амалий машғулот: Турар жой биноси иситиш тизимининг гидравлик ҳисоби**

## **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

– маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);

– давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);

– баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

### «Хулосалаш» (Резюме, Веер) методи

**Методнинг мақсади:** Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айна пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танкидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда тингловчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

#### Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи тингловчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гуруҳга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни тарқатади;



ҳар бир гуруҳ ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қилади;



навбатдаги босқичда барча гуруҳлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлар билан тўлдирилади ва мавзу яқин панали.

Дастурий таъминотлар					
Поток		Raucad		Valtec	
афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги
<b>Хулоса:</b>					

### “Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

### “Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
<b>1-босқич:</b> Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	якка тартибдаги аудио-визуал иш; кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ахборотни умумлаштириш; ахборот таҳлили; муаммоларни аниқлаш
<b>2-босқич:</b> Кейсни	индивидуал ва гуруҳда ишлаш;

аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; асосий муаммоли вазиятни белгилаш
<b>3-босқич:</b> Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўллари ишлаб чиқиш	индивидуал ва гуруҳда ишлаш; муқобил ечим йўллари ишлаб чиқиш; ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; муқобил ечимларни танлаш
<b>4-босқич:</b> Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	якка ва гуруҳда ишлаш; муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш; яқуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

### “SWOT-таҳлил” методи

**Методнинг мақсади:** мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўллари топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.



Valtec дастури мажмуаси тизимининг SWOT таҳлилини ушбу жадвалга туширинг.

<b>S</b>	Valtec дастуридан фойдаланишнинг кучли томонлари	Бепул тарқатилади. Сувли иссиқ поллар тизими, очиқ майдонларни сув билан иситиш тизимларини, инфильтирланадиган ташқи ҳавони иситишга кетадиган иссиқлик сарфини ҳисоблайди ва лойиҳалайди.
<b>W</b>	Valtec тизимидан фойдаланишнинг кучсиз томонлари	Фойдаланиладиган ускуналарнинг чекланганлиги.
<b>O</b>	Valtec тизимидан фойдаланишнинг имкониятлари (ички)	Икки ва бир қувурли ҳамда нурли тизимлар учун иситиш ускуналарининг ҳақиқий иссиқлик узатиш қийматини ҳисоблаш ва радиатор секциясини танлаш имкониятини беради
<b>T</b>	Тўсиқлар (ташқи)	Аксессуарлар тўпламининг чекланганлиги

### «ФСМУ» методи

**Технологиянинг мақсади:** Мазкур технология тингловчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзунини сўрашда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

### Технологияни амалга ошириш тартиби:

- тингловчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир тингловчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:

Ф	• фикрингизни баён этинг
С	• фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг
М	• кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол келтиринг
У	• фикрингизни умумлаштиринг

- тингловчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили тингловчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

**Фикр:** “Valtec дастур мажмуаси қурилиш соҳасида кенг қўлланиладиган ва чекли элементлар усулига асосланган тизимлардан биридир”.

**Топшириқ:** Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

### “Тушунчалар таҳлили” методи

**Методнинг мақсади:** мазкур метод тингловчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- тингловчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- тингловчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади ( индивидуал ёки гуруҳли тартибда);
- тингловчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон,



қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;

– белгиланган вақт якунига етгач тренер-ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тўғри ва тўлиқ изоҳини ўқиб эшиттиради ёки слайд орқали намоиш этади;

– ҳар бир тингловчи берилган тўғри жавоблар билан ўзининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

“Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Қўшимча маълумот
Иссиқ деворлар	Модул сувли иссиқ поллар тизимининг қуйидаги кўрсаткичларини ҳисоблайди	
Майдонларни иситиш	Модул очиқ майдонларни сув билан иситиш тизимлари учун қуйидаги кўрсаткичлари ҳисоблайди	
Расчет теплопотерь	Модул қуйидаги иссиқлик-мухандислик кўрсаткичларини ҳисоблайди: <ul style="list-style-type: none"> <li>• тўсувчи конструкцияларнинг талаб этилган иссиқлик узатиш қаршилиги;</li> <li>• тўсувчи конструкцияларнинг иссиқлик узатиш коэффициент;</li> <li>• бинонинг тўсувчи конструкциялардаги иссиқлик йўқотиши;</li> <li>• инфилтирланадиган ташқи ҳавони иситишга кетадиган иссиқлик сарфи;</li> <li>• бинонинг жами иссиқлик истеъмоли қиймати.</li> </ul>	
Қувурнинг ўтказувчанлик хусусияти	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Қувур орқали ўтадиган чегаравий истеъмол сарфи;</li> <li>• Иситиш тизимининг максимал иссиқлик қуввати;</li> <li>• Оқимнинг чегаравий қийматида босимнинг чизиқли йўқотилиши;</li> <li>• Чегаравий истеъмол сарфи.</li> </ul>	
Тутун қувурининг аэродинамик ҳисоби	<ul style="list-style-type: none"> <li>• тутун йўлида босимнинг йўқотилиш;</li> <li>• тутун қувурида тутуннинг ўзини-ўзи торитиш.</li> </ul>	

**Изоҳ:** Иккинчи устунчага тингловчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

## Венн Диаграммаси методи

**Методнинг мақсади:** Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.


### Методни амалга ошириш тартиби:

– тингловчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқиладиган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;

– навбатдаги босқичда тингловчилар тўрт кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гуруҳ аъзоларини таништирадилар;

– жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалашиб, кўриб чиқиладиган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.

Мухандислик коммуникация тизимларини ҳисоблаш ва лойиҳалашни автоматлаштирилган тизимлари



### III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

#### 1-мавзу: Лойиҳалаш ва қурилишда қўлланиладиган дастурий таъминотлар таърифи ва уларнинг шарҳи.

##### Режа:

1.1. Дастурий таъминотлар таърифи ва уларнинг шарҳи


1.2. Бинолар иситиш тизимларини ҳисоблаш ва лойиҳалашда қўлланиладиган компьютер дастурлар таҳлили.

*Таянч атамалар рўйхати: физик модел, ҳисоблаш модели, математик модел, чекли элементлар, геометрик схема, бикрлик, ригел, балка, ДИР-ВИЗОР, ПРОЦЕССОРЛАР, ДИР-АРМ, ДИР-ЛАРМ, ДИР-СТК, ДИР-РС, ДИР-КС, ДИР-КТС, ДИР-КМ ГРУНТ, интуитив, график, чизиқли процессор, чизиқсиз итерация процессори, грунт, документатор.*

Бугунги кунда кўпгина автоматлаштирилган лойиҳалаш системалари мавжуд. Архитекторлар Allplan Архитектура, AutoCAD, ArchiCAD, 3D-max ва бошқалар, конструкторлар — VALTEC, SCAD, Allplan, Конструирование ва бошқалар.

Сув таъминоти, шамоллатиш ва иситиш тизимлари мутахассислари бу соҳадаги ривожланишда четда қолмасликлари керак. Улар ҳам бошқалар қатори кучли Автоматлаштирилган лойиҳалаш тизимига эга бўлишни хоҳлайдилар. Бундай маҳсулотлар қаторида «Немечек» (Германия) Концерни таклиф қилаётган Allklima дастури ҳам мавжуд.

Биринчи навбатда лойиҳаланаётган бино ва иншоотнинг режаси чақириб олинади. Allplan, AutoCAD ArchiCAD ёки бошқа CAD дастурларида яратилган режа бўлиши мумкин. Худди шундай бино ва иншоотнинг режаси ва қирқимини Allklima дастурида яратиш ҳам мумкин. Бино Allplan дастуридан импорт қилинганда архитектуравий объектларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширади: ойна, эшик, тўсувчи конструкциялар ва ҳақозо, бошқа пакетлардан фақатгина геометрия.




Allklima дастури тўлиқ рус тилига таржима қилинган.

## БИНОЛАР ИСИТИШ ТИЗИМЛАРИНИ ҲИСОБЛАШ ВА ЛОЙИХАЛАШДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН КОМПЬЮТЕР ДАСТУРЛАР ТАҲЛИЛИ

Иситиш тизимларини лойиҳалаш ҳар бир босқич учун комплекс ёндашувни талаб этади. Биринчи навбатда иссиқлик таъминотининг аниқ кўрсаткичларини ҳисоблаб чиқиш зарур. Бунинг учун бинолар иситиш тизимларини ҳисоблаш ва лойиҳалашда қўлланиладиган компьютер дастурларидан фойдаланиш тавсия этилади.

Иситиш тизимини ҳисоблаш дастур таъминотига қўйиладиган талаблар.



Иситиш тизимини ҳисоблашга оддий мисол

Нима учун мутахассислар иситиш тизимини лойиҳалашда компьютер дастуридан фойдаланишни тавсия қилади?

Дастур таъминотининг бундай кўриниши тизимнинг характеристикаларини аниқлаш учун хизмат қилади, худди шундай баъзи ҳолатларда турли хил вазиятларни моделлаштириш имкониятини яратади.

Иситиш тизимини ҳисоблаш дастурлари бажариши керак бўлган бир қатор талаблар мавжуд, Улардан энг асосийси аниқ тизим учун ҳисоблашнинг тўғри усули танланган бўлиши керак. Чунки пол орқали иситиш тизимининг асосий характеристикаларини ҳавони истувчи муҳандислик тизимлариникина мослаштириш мумкин эмас. Дастур таъминотининг функцияларида ҳар бир иситиш тизими тури учун ҳисоблаш тизими яратилган бўлиши керак.


Ундан ташқари, иситиш тизимини лойиҳаловчи дастур куйидаги хусусиятларга эга бўлиши керак:

- Дастур интерфейси интуитив равишда тушуниладиган бўлиши керак. Биринчи навбатда бу талаб юқори малакага эга бўлмаган мутахассисларга мўлжалланган ва бепул тарқатиладиган дастурларга таълуқли. Ҳар бир фойдаланувчи дастурнинг имкониятларини мустақил равишда бемалол ўзлаштира олиши керак;

- Маълумотлар базаси яратилганлиги. Бу маълумотларга труба материали характеристикалари, радиаторлар, иситиш қазонлари турлари ва ҳакозолар киради;

- Натижаларнинг содда кўринишда олиниши. Натижалар иккита – жадвал ва график кўринишларда бўлиши керак. Ҳар бир дастур иситиш тизими схемасини яратиш учун натижаларни тайёр лойиҳа кўринишида визуаллаштириш имкониятига эга бўлиши керак. Махсус Компьютер дастурлари ёрдамида олинган ҳисоб натижалари яратиладиган иситиш тизими тўғрисидаги тўлиқ маълумотлар бўлиши керак. Уларга гидравлик ҳисоб, ҳарорат ҳисоби, қувурларни жойлаштириш тартиби схемаси ва иситиш ускуналарининг ўрнатилиш жойлари киради.

### Иситиш тизимлари дастурлари таҳлили




### Мураккаб қаватлараро иситиш тизимлари схемаси

Иситиш таъминоти учун дастур танлаш унинг ишлаш шароитини аниқлашдан башланади. Баъзи ҳолатларда танланган участкаларда гидравлик ҳисобни бажариш етарли бўлади. Аммо мураккаб иситиш тизимларини лойиҳалаш учун махсус иситишни ясайдиган дастурлар талаб қилинади.

Ишлаш шароитини аниқланилгандан кейин дастур таъминотини тўғри танлаш лозим.

Истиш тизимини лойиҳаловчи айрим шартли бепул дастурлар фойдаланишда вақтинчалик чекланган бўлади. Муддати тугагандан кейин бажарадиган иши қисман ёки тўлиқ чекланади.

## Instal-Therm HCR



### Instal-Therm HCR дастури

Бу хусусий уларни иситиш тизимини лойиҳалаш дастури кенгайтирилган функцияларга эга, унинг интерфейси фойдаланувчига тушанарли қилиб яратилган. На фақат иссиқлик таъминоти, балки сув таъминоти ва шамоллатиш тизимларини лойиҳаловчи қўшимча модулларининг мавжудлиги дастурнинг имкониятларини кенгайтиради.

Дастур таъминоти билан ишлаш учун дастлаб бошланғич маълумотларни киритиш керак бўлади. Бунинг учун аксонометрик жойлаштириш ёки проекциядан фойдаланиш мумкин. Бошланғич маълумотлар киритилгандан кейин ҳисобланаётган кўрсаткич танланади. Ушбу компьютер дастури хусусий уйларнинг иситиш тизимини лойиҳалашда тизимнинг аниқ характеристикасини ҳисоблаб бериши ёки комплекс лойиҳалашни амалга ошириши мумкин:

- Тизимнинг маълум участкасида қувурнинг оптимал диаметрини аниқлаш. Ўрнатилган радиатор ва иситиш қазонни эътиборга олган ҳолда магистралда босимни стабиллаштириш;


• Беркитувчи арматураларни танлаш-муфта, тройниклар, фасонли махсулотлар ва уловчилар. Иситиш тизимларини лойиҳаловчи барча дастурлар қувур материалига боғлиқ бўлган ушбу функцияларга эга бўлишлари керак.

- Гидравлик ҳисоб;
- Редуктор ва босим редукторлари характеристикаларини ҳисоблаш;
- Магистрал участкаларида оқимлар циркуляцияси кўрсаткичларини моделлаштириш, бошқариш элементларни танлаш.

Ушбу дастурнинг иситиш тизимини моделлаштиришдаги афзаллиги дастурнинг тўлиқ версияси бепул. Дастурни олиш учун **Wavin Ekoplastik** компанияси ходимига мурожаат қилинади. Рўйхатдан ўтиш калити бир йилга берилади.

Иситиш тизимини лойиҳалаш учун дастурга замонавий талаблар киритилган бўлиши лозим, хусусан ГОСТ ва СНИП.

## Поток





## Поток дастури интерфейс


Россия мутахассислари томонидан яратилган «Поток» дастур комплекси алоҳида қизиқиш уйғотади. У иситиш таъминоти тизимининг асосий кўрсаткичларини ҳисоблашда катта имкониятга эга. Аммо бу дастурнинг иситишни ҳисоблашда ўзига хослиги унинг универсаллигида.

Бу дастур таъминоти бир қувурли, икки қувурли, нурли тизимларни моделлаштириш ва ишчи схемаларини яратишга мўлжалланган. Сувли пол орқали иситишни лойиҳалаш функцияси катта аҳамиятга эга. Махсус дастурлардан фарқли равишда Поток ҳақиқатдан ҳам универсал. Унга бир нечта ишлаб чиқарувчиларнинг қувурлари ва иссиқлик таъминоти қисимлари кўрсаткичлари маълумотлари киритилган. Иссиқлик таъминоти тизимини ясашда дастурдан фойдаланишнинг афзалликлари қуйидагича:

- Иситиш тизимининг барча турларини ҳисоблаш учун ускуналарнинг мавжудлиги;
- Олинган натижаларнинг кейинги ўринда қайта ишлаш учун AutoCad дастурига мослаштирилганлиги ёки Word форматида сақлаб олиниши;
- Истиш сарфини ҳисоблаш -ҳар бир кавртира учун, автоном иситиш тизими учун қисман ва тўлиқ молиялаштириш схемасини ҳисоблаш имконияти мавжудлиги;
- Кўп қўшимча функцияларга эга. Бу дастурни антифриз ёрдамида ишлайдиган иситиш тизимини яратиш мумкин. Дастур таъминоти унинг тарки ва эксплуатацияда фойдаланиш сифатини ҳам эътибога олади.

Дастур комплексининг камчилиги унинг нархи. Ҳозирги вақтда дастурнинг нархи 700-100\$.

## Herz C.O.



### Herz C.O. дастурининг график интерфейси

Ҳозирги даврда иситиш схемасини яратишда энг қулай бўлган компьютер дастури. Унинг бошқа дастурларда асосий фарқи унинг график интерфейсида. Иссиқлик таъминоти билар бир қаторда совитиш тизимларининг ҳам ҳисобини бажариш амалга оширилади. Ҳусусий уйларнинг иситиш тизимларини лойиҳалашда бу дастурдан фойдаланиб юқори даражадаги аниқликда гидравлик ҳисоб кўрсаткичларига эга бўлинади. Бунинг учун дастлаб дастур менюсини аниқ ҳисоблашларга мўлжаллаб олиш лозим. Яхшиси маълумотлар базасини яратувчининг сайтидан кўчириб олган маъқул. Дастур ўрнатилганидан ва бошланғич маълумотлар киритилганидан сўнг дастур хусусий уйларнинг иссиқлик таъминоти тизимини қуйидаги критериялар бўйича ҳисоблашни бажаради:


- Қувурнинг оптимал диаметрларини танлаш;

- Ўрнатилган ускуналарга боғлиқ равишда сув сарфини аниқлаш;
- Тизимнинг участкаларида босимнинг максимал ва минимал йўқотилиши;
- Магистралнинг маъсуллатли жойларига ўрнатилдган босим регуляторлари созуламаларини ҳисоблаш;

Бундай дастурлардан иситиш тизимларини лойихалашда фойдаланиш кўп йўлга қўйиладиган хатоликлардан қутилиш имконини беради. Бунинг учун дастурга хатоликларни ташхис қиладиган тизим киритилган ва тизим хатоликни автоматик равишда тузатиш киритади.

Мутахассислар Herz C.O. дастуридан кўпқаватли уйларда иссиқлик тизимини моделлаштиришда фойдаланишни тавсия қилишади.

## Raucad Программ комплекси



## Raucad дастури

Rehau компанияси турар-жой ва саноат биноларнинг барча турдаги муҳандислик тизимларни лойиҳалаш дастурларини таклиф қилади. Шу қаторда хусусий уйларнинг иссиқлик таъминотини ҳисоблаш дастурлари ҳам мавжуд. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, иситиш тизимини ҳисолашда компания фарқа ўзининг маҳсулотлари характеристикаларини киритган. Ҳисоблашларнинг мослигини таъминлаш учун бир нечта дастурлардан фойдаланиш талаб этилади. Уларнинг қаторига қуйидаги мажмуалар киради:

- Autocad мослаштирилган тизими, унинг ёрдамида турар-жойларнинг муҳандислик тизимларининг комплекс ҳисобини бажариш мумкин. Ундан ташқари сув таъминоти, оқова сувлар ва хоналарни совитиш тизими кўрсаткичларини ҳисоблашни амалга оширади.
- Бу дастур истиши тизимини чизишни амалга оширмайди. Унинг асосий функцияси барча турдаги қурилиш материаллари хусусиятлари ва характеристикалари ҳақидаги маълумотлар билан таъминлаш.
- Исситиш тизимини лойиҳалашда тенги йўқ дастур. Унинг ёрдамида бинода иссиқлик йўқотилишини ҳисоблаш мумкин, натижада иссиқлик таъминотининг оптимал қуввати аниқланади.

Дастурнинг хусусий коттеджлар иситиш тизимини лойиҳалашдаги асосий камчилиги акссесуарлар тўпламининг чекланганлиги. Асосан Rehau компанияси ишлаб чиқарган маҳсулотлар характеристикалари киритилган.

### Назорат саволлари:

1. Архитекторларга мўлжалланган автоматлаштирилган лойиҳалаш системалари?
2. "Справки" меню бандининг "Химическая стойкость" буйруғи қандай маълумотларни тақдим этади?
3. Аҳоли яшаш жойларининг оқоваларни оқизиш тизимлари
4. VALTEC.PRГ. дастури қайси тизимларни ҳиоблаш ва лойиҳалашга мўлжалланган?
5. Audytor H2O дастури қайси тизимларни лойиҳалашга мўлжалланган?

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Программа расчетов элементов инженерных систем valtec.prg., руководство пользователя. Vesta trading. 2015.

2. СНиП 2.04.01-85\* «Внутренний водопровод и канализация зданий».

3. КМК 2.04.05-97 "Отопление, вентиляция и кондиционирование". Государственный комитет Республики Узбекистан по архитектуре и строительству. Ташкент 1997.

4. КМК 2.01.01-94 "Климатические и физико-геологические данные для проектирования" Государственный комитет Республики Узбекистан по архитектуре и строительству. Ташкент 2008.

#### IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАР

##### 1-амалий машғулот: Бинодаги иссиқлик йўқотилиши ҳисоби

Бинодаги иссиқлик йўқотилишининг ҳисобини бажариш учун valtec.prg дастуридан фойдаланамиз.

Дастур бепул интернетда тарқатилади. Дастурни юклаб оламиз. Биринчи қилинадиган иш лойиҳа амалга ошириладиган шаҳар (жой) танланади, чунки климатик кўрсаткичлар жойга боғлиқ бўлади.

Страна- Ўзбекистон;

Регион- Ташкентская область;

Наш пункт – Ташкент;

Тип здания – Жилое многоквартирное, кейин “Расчет теплопотерь” бўлимига ўтилади. Тошкент шаҳри учун дастур автоматик равишда ташқаридаги ҳавонинг ҳароратини автоматик равишда кўрсатади.

(Температура воздуха наиболее холодной пятидневки, °С, (Обеспеченностью 0,92 -16 °С, КМК Klimmat Табл. 4).

Бу маълумотларни ўзгартириш мумкин. Дастурга ушбу бинонинг ишлаш режимини киритиш керак. Бу ҳарорат ва бинодаги ҳавонинг намлиги.

Добавить тугмасини босамиз. КМК (Отопления и кондиционирование) иситиш ва кондиционерлаш КМК 2.04.05.97:


а) Расчетные условия;

б) Приложения 1) 18 -24, Намлик 65% стандарт намлик 40% босими. Яна бизда ошхона бор. Унинг учун ҳам ҳарорат 19°С ва 40% намликни киритамиз. Лойиҳа бўйича бизда 2 та санузел -24°С, дахлиз 20°.

Дастур автоматик равишда конструкцияни ҳисоблаб беради. Бу қийматлар КМК бўйича иссиқлик ҳимояси талабидан келиб чиқади.

Келтирилган қийматлардан конструкциянинг термик қаршилиги катта бўлса, бино энергияси самарадорлиги ҳисобланади. Албатта конструкция экспертизага берилади, экспертиза хулоса бериш керак.


Энди 2- босқичга ўтамыз, 2- босқичда тўсувчи конструкцияларни киритишимиз керак. Чизмадан оламиз (1-расм).



1-расм. Бинонинг режаси

Конструкциялар бизга тайёрлаб беради, “ стены наружные и внутренние” бўлимида ўнг тугмани босамиз ва “ Добавить конструкцию” буйруғини бажарамиз (2-расм). Номини асосий девор- “основая стена” деб ўзгартирамыз. Фасад шамоллатиладиган бўлгани учун “Наличие вентилируемой воздушной прослойки” майдонидан “ Наружная с воздушной прослойки” буйруғини танлаймиз, кейин “Применить” тугмасини босамиз. “Стена”га катталикларни қўшамиз. Курсорни “стена основная” қаторига кўрсатиб ўнг тугмасини босамиз ва “ Добавить слой” буйруғини бажарамиз. Мулоқат ойнасида “ Бетоны легкие”, “Газ-пенобетон 400” ни танлаймиз,

“толщина слоя” майдонига 25 см ни киритамиз ва Применить тугмасини босамиз. Кейин ички сувокни киритамиз, бунинг учун курсорни “стена основная” устига қўйиб ўнг тугмани босамиз, “Добавить слой” буйруғини бажарамиз.



2-расм. Ташқи девор конструкцияси.

Ҳосил бўлган мулоқот ойнасида “растворы”, “раствор сложный” майдонларини танлаймиз, қалинлигига 1 см киритамиз, Применить тугмасини босамиз. Кейинги қатлам бизда минерал ватадан қилинган мата қалинлиги (50 мм зичлиги 100 мм). Курсорни “стена основная” устига қўйиб ўнг тугмани босамиз, “Добавить слой” буйруғини бажариб “Утеплители”, “Маты Раквул 50 ни танлаймиз, қалинлиги 10 см ни киритамиз, Применить тугмасини босамиз.

Облицовка ғишт киритилмайди, сабаби ғишт орасига махсус тешикчалар қилиниб ҳаво айланиб туриши таъминланиши керак. Иссиқлик



изоляцияси ҳаво билан вентиляция қилинадиган нуқтадан бошлаб ҳисобланилади. Облицовка эса фақатгина декоратив ишлаб бериш. Жами термик қаршилик деворда 4,123. Уни талаб қилинган қиймат билан солиштирамиз. Хулоса қилсак девор этарли даражада иссиқлик изоляциясига эга.

Сўнгра пол конструкциясини қўшамиз (3-расм):


1. "Полы по грунту и стены подвалов" майдонида сичқончанинг ўнг тугмасини босамиз.

2. "Добавить конструкцию" буйруғини бажарамиз.

3. "Пол цоколя" деб киритамиз. (Полда лак йўқ).

4. Применить тугмасини босамиз.

Худди олдинги ҳолатдагидек қатламларни киритамиз.



3-расм. Пол конструкцияси

Биринчи қатлам “Используется только материалы с  $\lambda < 1.2$  дегани қаршилиги 1,2 катталари киритилмайди. Кейин “Засипка из щебня с битумной пропиткой” мавжуд, 200 мм қалинликда, уни киритиш учун:

1. Курсорни “Пол цоколя” устига қўямиз.
2. Добавить слой буйруғини бажарамиз.
3. Рўйхатдан “ Сипучие материалы”ни ва кейинги майдончада щебен 600 ни танлаймиз ва қалинлигига 20 см ни киритамиз.
4. Применить тугмасини босамиз.

Кейингиси темирбетон плита, қалинлиги 300 мм:

1. “Добавить слой” буйруғини бажарамиз.
2. “Бетоны” бандини танлаймиз.
3. Кейинги қаторда “ Плиты ж/б пустотные при.....”, қалинлиги 30 см.
4. Применить

Утилитель из пенополистирола қалинлиги 60 мм:

1. Добавить слой.
2. Утеплители.
3. Пенополистирол 43 ни танлаймиз.
4. Қалинлиги 6 см.
5. Применить тугмасини босамиз.

Цемент қопламаси:

- 1.Добавить слой.
2. Растворы.
3. Раствор цементно песчаной 1800.
4. Қалинлиги 4 см.

Охирги қатлам линоллеум:

1. Добавить слой.
2. Пол.
3. Линолеум.

4. Қалинлиги 2 см.

5. Применить.

Девордан фарқли равишда полда кўпгина коэффициентлар мавжуд. Полнинг термик қаршилигини солиштирамиз. Дастурда пол “Покрытие” деб келтирилган. Дастурда келтирилган талаблар қаноатлаштирилди. Агар термик қаршилиқ талаб этилганидан кам бўлса нима қилиш керак. Табiiки “Утеплитель” қалинлаштирилади.

Агар чардоқ иситилмайдиган ва том билан ёпилган бўлса том ҳисоби бажарилади. Том ёпманинг конструкцияни ўрганиб чиқамиз: асосида пустотка-плита (4-расм):

1. Добавить конструкцию.
2. Номи -“Перекрытия 2 этажа”.
3. Типи- “Перекрытия чердачное”ни танлаймиз.
4. Применить.

Кейинги ўринда қатламларни киритамиз:

1. Добавить слой.
2. Бетон.
3. Плиты ж/б пустотные при потоке снизу –вверх.
4. Қалинлиги 30 см.

Кейинги қатлам иссиқлик ҳимоя қатлами мин вата Роквуя, қалинлиги 180 мм.:

1. Добавить слой.
2. Утеплители.
3. Маты минерализованные Роквуя 50.
4. Қалинлиги 18 см.
5. Применить.

Охирги қатлам ёғоч полни киритамиз:

1. Добавить слой.
2. Дерево.
3. Ель поперек волокон 500.

4. Қалинлиги 4 см ни киритамиз.

5. Применить.

Термик қаршилик 4.487 чикди ва уни талаб бўйича текшираамиз.  
Перекрытия чердачное -2,85. Кейин эса иссиқликлик йўқотилиши ҳисобини бажаришга ўтаамиз.



4-расм. Том ёпмаси конструкцияси

3- босқичга ўтаамиз.

3- босқичда Расчесное температура – 16 °С қолади. Бинонинг баландлиги эса инфильтрация учун керак бўлади:

1. "Учитывать инфильтрация" майдонига белги ўрнатамиз.

2. Высота до корниза – 9.2 м.

3. "Расчетное скорость ветра" майдонига – 5 м/с.

4. Добавить тугмасини босамиз ва хоналар рўйхатини киритамиз.

Хоналарни гуруҳлар бўйича киритамиз. Хоналарни қаватлар бўйича гуруҳларга ажратамиз:

1. Этаж- 1.

2. Добавить.

3. Наименования помещения- Тамбур.

4. Температура  $-19^{\circ}\text{C}$ .
5. Жилое или кухня – нет.
6. Площадь помещения  $-2,5 \text{ м}^2$ .
7. Тамбур учун стена:
  1. Добавить.
  2. Тип стены – «стена основная».
